



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл овод!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 1996 йил 28 август, чоршанба


• № 68 (10.843)

• Эркин нарҳда сотилади

1 СЕНТЯБРЬ —
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИ
КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ИМИЗНИНГ НУРАФШОН ЙЎЛИ

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР



То Президент Каримов билан Клинтон
То Президент Каримов билан Клинтон
Президент И. Каримовга энг эзгу тилаклар билан.
Билл КЛИНТОН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари, Сизни ва Ўзбекистон халқини 1 сентябрь — улуг байрам — сизларнинг миллий кунингиз билан Америка халқи номидан самимий табриклайман. Бу санани 1996 йилда янада зур тантана билан байрам қилса арзийди, чунки у Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган куннинг беш йиллигини билдиради ва мамлакатингизнинг ўша пайтдан буён эришган ютуқларини намоён этади.

26 июнь куни Оқ уйдаги учрашувимиз чоғида таъкидлаганимдек, Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг мустақиллигига, демократик ривожланишига, бутун дунё учун очик бўлишига ва гуллаб-яшнашига жуда катта аҳамият беради. Биз минтақадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон амалга ошираётган дадил ишларни қўллаб-қувватлаймиз ва барча соҳалардаги ўзаро манфаатларимиз орқали тагин ҳам яқинроқ икки томонлама алоқалар ўрнатилишига умид қиламиз.

Самимий ҳурмат билан,
Уильям Ж. КЛИНТОН,
АҚШ Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислоом Абдуганиевич, Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз.

Россия-Ўзбекистон муносабатлари халқларимизнинг тарихий таркиб топган яқинлигини, уларнинг ҳар томонлама алоқаларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга интилишини ҳисобга олган ҳолда тенг ҳуқуқлик, ўзаро ҳурмат асосига қурилаётганини мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона шериклик ва ҳамкорликни чуқурлаштириш иқтисодий тараққиётнинг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини мустаҳкамлашнинг, Марказий Осиёда ишончли тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлишига аминман.

Сизга ва Ўзбекистон халқига бахтсаодат ва равақ тилайман.
Ҳурмат билан,

Б. ЕЛЬЦИН,
Россия
Федерацияси
Президенти.

Дўстлик, ҳамкорлик — ҲАЁТИМИЗНИНГ ТАМАЛ ТОШИДИР



Суратда: Алмати учрашуви.
Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Илгари хабар қилинганидек, Президент Ислоом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси 23 август куни Қозғистон пойтахти Алматида бўлди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон Республикалари давлатлараро кенгаши йиғилишида ҳамда атоқли қозок оқини Жамбул Жабаев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

Марказий Осиё давлатлари байроқлари билан безатирилган Алмати аэропортида Президент Ислоом Каримовни Қозғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. Қарибожон, Ўзбекистон Республикасининг Қозғистондаги Факуллода ва мухтор элчиси Н. Екубов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Қозғистон Республикаси Президенти саройида мамлакатимиз раҳбарини Нурсултон Назарбоев қарши олди.

Бу ерда ягона иқтисодий макон барпо этган Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон Республикалари давлатлараро кенгашининг йиғилиши бўлди. Шунинг билан ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли масалалари муҳокама қилинди.

Давлатлараро кенгаш ижроия қўмитасининг раиси С. Примбетов мазкур кенгаш қабул қилган қарорларнинг ба

жарилиши тўғрисида ахборот берди. Президентлар 1996-1998 йилларда ягона иқтисодий маконни шакллантириш борасидаги Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон Республикаларининг ҳаракат дастурини маъқуллади. Шунингдек, йиғилишда 1994 йил 8 июлда қабул қилинган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини таъсис этиш тўғрисидаги битимга ўзгаришлар киритилди. Президент Ислоом Каримов тақдирга қўриқ, ҳар бир давлат банкнинг низоми фондига 1 миллион АҚШ доллари миқдорини маблағ ажратилишига қарор қилинди. Шунингдек, БМТ ҳомиёлигида уч давлат тинчлик ўрнатувчи қўшма батальонининг қўмиталли кучлар иштирокида ўтказилган машқларига тайёргарлик қўриқ ва уни ўтказиш, чегара ҳудудларида маҳсул иқтисодий зоналар ташкил этиш, давлатлараро кенгаш ва унинг институтларида раислик қилиш мuddатлари. «Марказий Осиё» интеграция муаммолари журнали бош муҳаррири тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама этилди.

Президентлар шу кун муҳокама этилган масалалар юзасидан қабул қилинган ҳужжатларни имзоладилар. Шу кунларда Қозғистонда атоқли оқин Жамбул (Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» ҚЎШИҚ БАЙРАМИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг халқимиз маънавий ҳаётида унутилмас воқеа бўлганини, минглаб фуқароларимиз томонидан зур мамнуният ва кўтаринки руҳ билан қўллаб-қувватланганини эътиборга олиб, келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор, бағри кенг, меҳри дарё халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбидида мўқаддас Ватан тупроғини, мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, бунинг учун керак бўлса жон фидо қилишга ундовчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларнинг яратилишига кенг имконият туғдириш мақсадида:

1. Ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами кунини деб эълон қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddат ичида қўшиқ байрамни тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинсин.

И. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
1996 йил 27 август

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ»

ҚЎШИҚЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам юртдошлар, кўрик-танлов қатнашчилари!

Мустақил мамлакатимизда биринчи мартаба ўтказилган улкан қўшиқ байрами — «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг барча қатнашчиларини ва голибларини самимий кутлайман. Бу кўрикда минг-минглаб истеъдодларнинг қатнашиши, мустақиллик, нури келажак ва она юрт ҳақида юрагидан тўлиб-тошиб куйлагани чиндан ҳам қувончли ҳодисадир. Бу — кўп йиллик мафқуравий тузум зугуми тўфайли асоратда қолган тараққир ва дунёқарашнинг ўзгарганини, Ўзбекистон ва ўзбек халқининг қадимий шон-шавкати қайта тикланганини кўрсатди.

Замонлар ўтаверади, даврлар ўзгараверади, аммо Ватан абадул-абад қолади. Ватанини севиш, сукуб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг олий бахтидир. Энг гўзал ва энг дилбар қўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги қўшиқлардир. Бундай жозибадор қўшиқлар ўз элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув ва осойишта яшашга, Ватани ҳар жиҳатдан юксалтиришга, кўз қорачиғидай асраб-асрашга ва қўқсини қалқон қилиб ҳимоя қилишга даъват этади.

Кўрик-танлов ўз ниятига эришти, деб ўйлаганлар хато қилади. Аксинча, у энди бошланади. Чунки танлов даврида яратилган ўнлаб мафқуравий қўшиқлар халқимизнинг дилига кўчди, унинг бебаҳо маънавий мулкига айланди. Ватанимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат янги куй-қўшиқларда ўзгача акс-садо берди.

Азиз дўстлар!
Биз Ўзбекистонимизни мадҳ этган қўшиқларни баралла куйлашдан ҳеч қачон чарчамайлик. Сөрқувш диёригимиз ва унинг меҳнаткаш, меҳмондўст, мағрур фарзандлари ҳақидаги қўшиқлар мангу янграйверсин! Оллоҳ бизларга насиб этган келажаги буюк ва қудратли Ватанимиз ҳамиша омон, оstonаси доим нури бўлсин!

Ислоом КАРИМОВ.

ҒАЗ КЕЛДИ!

ОДАМЛАР ислоҳот учун эмас, ислоҳот одамлар учун ишлаш керак. Республика Президентининг бу сўзлари амалий ишлар билан мустаҳкамлашни бориқсиз. Авиниса, кишлоқ аҳолисининг турмуш шaroитини яхшилаш, уларни табиий газ, ичимлик суви, малакали тиббий ва манжий хизмат билан таъминлаш кейинги пайтда устивор масала қилиб қўйилди. Жойларда бу борадаги фармонлар ва қарорлар ижро этилмади. Бунинг натижаси ўларок Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг беш йиллиги арафасида Қўйчиқарчи туманидаги 45 минг аҳоли ҳам табиий газдан фойдалана бошлади. 13 август куни «Ўжакент» жамоа ҳўжалиги кишлоқларида, 24 августда 10390 нафар аҳоли истиқомат қилаётган Қўрғонча кишлоқига газ этиб келган бўлса, бугун «Ўлдуз» жамоа ҳўжалиги, 31 август кунини эса Абай номи кишлоқ аҳолилари учоқларида газ ена бошлади. Қисқа фурсатда бундай катта хажмадаги ишларни амалга оширган туман ҳокимлиги, Мухтор Нелибоев бошчилиги қилаётган вилоят маҳсул монтаж бошқармаси, Берис Колько бошчилигидаги Янғийўлдаги маҳсул монтаж бошқармаси ишчи-хизматчиларидан аҳоли гоит миннатдор бўлмоқда. Туманда ободончилик тадбирлари давом эттирилмоқда. Кунинкеча «Дўстлик» жамоа ҳўжалиги томон 3 километрик юкори босими газ қувурлари тортиш ишлари бошланди. «Ўжакент» ҳўжалигининг марказий кўчаси тўлиқ асфальтланди. **Ғаттоҳ ФӨЗИЛОВ.**

МУКОФОТ МУБОРАК!

ХАЛҚИМИЗ орзикиб кутаётган байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, халқ саломатлигини сақлашга қўшган ҳиссаси ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларидаги қадрамонона меҳнати учун Республикаимизнинг бир гуруҳ кишилари «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» унвони берилиб, Олий нишон — «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медаллари билан тақдирландилар.

Шунингдек, Президентимиз фармони билан республикада иқтисодиёт ва маданият юксалишига, халқ фаровонлигининг ошишига, соғлиғини ҳимоялашга, тинчлик ва барқарорлик сақланишига қўшган хизматлари учун мустақиллигимизнинг беш йиллиги муносабати билан фан, маданият, халқ таълими ва бошқа ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи турли мукофотларга сазовор бўдилар. Улар орасида вилоятимизнинг куйидаги вакиллари бор.

1-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

САЛИМОВА Равия Нуджимовна — Тошкент вилояти болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори.

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

ДУСТИЛЛАЕВА Матлабхон — Пискент тумани марказий касалхонаси аёллар маслаҳатхонаси бўлим мудири. РОҲАТОВА Жаҳон Мухамедовна — «Соғлом авлод учун» халқаро Ҳайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлими директори.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

ЖОНТӨВБ Куролбой — Бўка тумани 36-ўрта мактаб директори.



«Ўзбекистон-Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови якунланди

БАҲТИЁРНИНГ БАҲТАИ ОНЛАРИ

МУҲТАШАМ «Туркистон» саройида уч кун давомида янграган аjoyиб қўшиқлар ҳозирги тинди. Бундай қараганда бу бир оний танаффус. Чунки, мамлакатимиз кишлоқ ва шаҳарларида, туман ва вилоятларида улкан санъат байрамига айланган кетган «Ўзбекистон-Ватаним маним» кўрик-танловининг сўнгги босқичида ижро этилган қўшиқлар охириги ҳулоса чиқарувчи ҳайвот ҳужимига ҳавола этилган эди, холос. Орадан унча кўп вақт ўтмади. Фолиблар чехрасида бамисоли куёш «порлади». Улар орасида вилоятимиз вакили 11 ёшли Бахтиёр Умиров ҳам бор.

«Ўзбекистон-Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг якунлави босқичи ҳақидаги хабароти газетамизнинг 2-санафасида ўқийсиз.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чакирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси эртага, 29 август кунини соат 10да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 28 август кунини соат 9 дан соат 18 га қадар ва эртага, 29 август кунини соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мажлислар залининг фойбесида рўйхатга олинади.

ЧЎҚҚИЛАР ЗАБТ ЭТИПАЖАК

Вактни оқар сувга қиёслашди. Турри. Аммо гап шундаки, ношуд йўланган сув бора-бора кумга сингиб, изи ҳам қуриши, табиёр билан оқизилган сув эса бог яратиши мумкин. Шу мисолини сиёсий жиҳатдан таҳлил этсак, дунё харитасида неча ўн йиллардан бери мустақилман, деган мамлакатлар анчагина топилади. Уларнинг номи мустақил. Бироқ, халқини боқишга қурб етмайди, иқтисодий жиҳатдан қимларгадир қарам. Олам минбариди ҳам эътибори йўқ. Лекин, шундай мамлакатлар борки, дастлабки мустақиллик қадаминиқ дадил ташлайди, олам аро қаддини тез тутиб олади. Шукрим, бизнинг Ватанимиз ана шулар сирасидан.

«Хўш, беш йил ичиди нималарга эришдик?» — деган саволга соатлаб жавоб бериш мумкин. Яширмаслик керак, ўтмишни кўмасайдиган, ҳозирги қийинчиликлардан нолийдиганлар ҳам бор. Ҳозир айрим соҳалар бўйича қийинчиликлар мавжудлиги ҳеч қимга сир эмас. Бу ҳақда раҳбариятнинг турли мажлисларида гапирилади, чоратадбирлар белгиланади. Бу қийинчиликларнинг аксари бизнинг жумҳуриятимиздан ташқаридаги омиллар тўғрисида баҳс қилинади. Бунинг тушуниш керак. Яна аниқламоқ жоизки, барча қийинчиликларни бартараф этадиган, мамлакатни юксалиш погонасига олиб чиқадиганлар ташқаридаги одамлар эмас, балки сиз билан бизларимиз!

«Ватанин севаман!» деб бақирган билан бўлмайди. Бу тўғриси қалб тўрида авайлаб, асраб, Ватан равнақи учун ҳизмат қиломоқ керак. Яна бир сабаб: илмисизлик. Расулulloҳ «Бешиқдан қабрга қадар илм эгалланг» деб умматларини хашилик сари етаклаганлар. Илмдан узоқлашмоқ — хатарлидир. Бунинг асоси, ёшларимиз англаб етишлари зарур. Фарзандларини илм бағриддан олиб олиб зорга йўллаётган ота-оналар янда жиддийроқ англаб етмоқлари шарт. Еш авлод илмдан узоқлашгани сайин у қўрқ жасадга айлиб бораверади. Зангланган қалб, қашоқ руҳ билан яшаш нақадар оғир! Фарзандларига ана шу оғир ҳаётни раво қўрувчилар, майли, уларни ўқув юртыларига эмас, бозорларга даъват этаверсинлар.

Байрам арафасидаги ўйлар



СУРАТЛАРДА: қизғалдоқлик оқсоқоллар; Ҳоқим ака Азимов бошчилигидаги бригада аъзолари ҳосил чўғини кўздан кечиршишмоқда.

«ҚИЗҒАЛДОҚ» ЖАМОЛИ

Искандар ёшлиқдан тенгқўрларидан унчалик фарқ қилмас ҳам, аммо, қатъиятли, сўзида собит бўлиб улгайди. У раис Зоир акага ҳазиломуз «Барбир бир кунмас бир кун ўринингизни эгаллайман» деганида ҳам ўша бир сўзлик, мақсад сари интилиш ундаги ишончли қатъийлаштирган эди. Фаршталар омин деган эканми, орзуси ушатиб, чиндан ҳам катта бир ҳўжалика раис бўлди.

Агар йўлингиз тушиб Тошкент туманидаги Оқунбобоев номи жамоа ҳўжаликида бўлиб қолсангиз, Искандар Позилони идорадан қидириб юрманг. Раисни ё ҳўжалик қўрилиши ёки даладан топасиз. Жамоа ҳўжалигининг идораси жойлашган икки қаватли муҳташам бино мажмуаси ҳам ақиндагина фойдаланишга топширилади. Бу ерда шўфхона, халқ банки, почта, ҳўдудий милиция учун хоналар ажратилган.

Қарор ва ижро

масканида асосан маҳаллий мутахассислар ҳўзимат қилишади. Бундан ташқари мана шу йилнинг ўзида 5,5 километр узунликда газ тортилди. Уни йилнинг учинчи чорағи мобайнида яна уч километрга ўзайтириш режалаштирилган. Ичимлик суви қўвурлари ҳам уч километр масофага тортилди. Қўсқаси, шу йилнинг ўзида газ ва суви билан ҳамма юз фоиз таъминланади. Жамоа ҳўдудида 140 ўричли болалар боғчаси ишлаб турипти. Яна туманга қарашли 2 та боғча ҳам мавжуд. Кичинтойлиқ малакали мўраббийлар қўли остида тарбияланмоқдалар Оқунбобоевликлар бу йилги қўрилишлар поёнига етказилган, замонавий, шаҳар нусха-сидаги мактаб биноси қўрилиши бошланди. Уни ҳам келгуси йили битказиб ташлаймиз, дейишмоқда жамоадагилар.

Искандар билан суҳбатимизда у устоз Зоир ака Жалиловни меҳр билан аслади. Дарҳақиқат, марҳум Зоир ақанин ҳўжаликнинг обод бўлишида ҳизматлари кўп. Ешлар тарбияси, малакали кадрлар тайёрлаш, эҳ-ҳе, барчасини санаб сананга етиб қўйди. Ҳорийқий ўқуналар билан ҳижозланган новобойнамаизни ҳам тез қўларда очини мўлжаллаб туришмиз. 14 минг ақоли истижомат қилайдиган ҳўжалигимизнинг ер майдони кейинги пайтларда анча кичрайиб қолди. Ниятишимиз, кўп минг сонли ақолини турли касб-

АҲОЛИ ХУРСАНД БЎЛСА, БИЗ ҲАМ ХУРСАНДИМИЗ

АҲОЛИ турмушини яхшилаш, мўл-кўлчиликни вужудга келтириш иқтисодий ислохотларнинг асосий талабларидан биридир. Вилоят матлубот кооперацияси ҳиссасдорлик уюшмаси тузилиши ўз фаолиятида тўб ўзгартириш ясар экан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов яқинда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек асосий эътиборни тадбиркорликни ривожлантириш, хусусийлаштириш жараҳиларини янда чуқурлаштириш ва шулар асосида тузилган дастур бўйича иқтисодий ва молиявий баркарорликни таъминлашга қаратмоқда.

Ушумамиз вилоят туманлари ҳудудларида савдо сотиқни ташкил этади, ўзимизда ишлаб чиқариш мўҳим бўлмаган ёки ишлаб чиқаришдан кўра олиб келиш иқтисодий жиҳатдан фойдаланароқ бўлган молларни четдан харид қилиб олиб келиш, ақолидан ортиқча қўшмоқ ҳўжалик маҳсулотларини сотиб олиб тайёрлаш билан шўғулланади. Булардан ташқари, истеъмол моллари, энг аввало озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тизимдаги корхоналар фаолиятини уюштиради. Бу ишлар айна пайта амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий гарови — хусусийлаштириш, мулк шаклларини тўбдан ўзгартириш ва бозор инфрасуруктурасини шакллантириш ва зифалари билан уйғушла-

Ислохот одимлари

шуваридаги қараганда анча ўсишга эришилди. Айниқса, йилнинг учинчи чорағида нон, яхна ичимликлар, музқаймоқ, қандолат, қолбаса, макарон ва бошқа озиқ-овқат ҳамда ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суриялари кескин ошди.

Ислохот одимлари

чилик билан давом эттиришмиз. Озиқ-овқат корхоналарида илгор технологияни ва самарали иш усулларини жорий этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Масалан, вилоятдаги мажхуд 14 та нон заводаларининг 13 тасида қоп-сиз ун сақлаш усуллари жорий этилди. Натижанда бу ерда ун сақлаш ҳўжми барча новобойналарда ишлатилган жами ун миқдорининг 82,9 фоизини ташкил этди. Қоп ишлатиш қамайди, меҳнат сарфи ўтган йилдагига қараганда сезиларли даражада қискарди.

Ҳиссасдорлик жамиятлари уюшмаси қўшмоқ ҳўжаликлари маҳсулотларини тайёрлаш бўйича ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширди. Бу эса етти ой мобайнида 739 тонна

ТОПГАН БИР ДАСТАН ГУЛ...

ЗАНГИОТА туманидаги «Бўзсув» деҳқон-фермерлар уюшмаси деҳқонлари республика мустақиллигининг беш йиллик байрамини эл дастурхонини тўқинсочин қилиш билан нишонлайди. 860 гектар майдонда етиштирилган савзавот маҳсулотлари пешма-пеш савдога чиқаришмоқда. Ҳўжаликда байрам кўнигача 70 гектар ердаги 2121 тонна помидорни териб топшириш режалаштирилган. Сафарбек Темиров, Самиддин Муталев, Улуғўжа Назирхўжаев бошлиқ фермер ҳўжаликлари бу ишда пешқадамлик қилаёттирлар. Нурхўжа Назирхўжаев раҳбарлик қилаётган фермер ҳўжалиги эса 51 гектар ердаги боғдан 200 тонна мева топширмоқчи.

Деҳқон-фермерлар уюшмаси деҳқонлари бошқа аймонлардан бўшаган майдонларга зўдлик билан тақроррий экинлар экдилар. Пиёздан бўшаган 61 гек-

тар ерга картошка экилди. Ҳўжалик аъзолари байрам арафасида қишлоқларни ободонлаштириш ишларини ҳам қўйиб қўймадилар. Тезкорлик билан қўрилаётган стадион байрам арафасида фойдаланишга топширилади. Шунингдек бу ерда қишлоқларни газлаштириш ишларини ҳам тўғаллаш мўлжалланмоқда.

Мўл ҳосил тўпланапти

ТўРСУНБЎЙ Темиров Чиноз туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигининг илгор бригадасида раҳбарлик қилапти. 57 гектар майдондаги гўзалар сифатли ишлов берилаётгани, ўғити ва сувидан вақтида боҳабар бўлиб турилгани сабабли мўл ҳосил тўгмоқда.

Халқимиз «Асад-экинни ясаб», деб бекорга айтмаган, — дейди Турсунбой Темиров. — Ҳозир айни иш-

ШАҲАРЛИКЛАРГА — МЕВА, САБЗАВОТ

ЭРКИН меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган деҳқонга боғлар ва пайкаллар ўз саховатини инъом этмоқда. Қанча кўп маҳсулот етиштирса, шунчалик кўп даромад олишини билган сабзавоткор ва боғдорлар меҳнат ютуқлари билан мустақиллик байрамини яхши қайфиятда кўтиб олишмоқда.

Қибрайдаги Мусамўхамедов ва Туроб Нормўхамедов номи жамоа ҳўжаликларидан ҳўшабарлар келди. Мева-чиликка иктисослашган Мусамўхамедов номи жамоа ҳўжалиги (раиси Қарамон Алимбеков) мева сотиш топширини ортиги билан баҳариб, 905 тонна маҳсулот етказиб берди. Жамоа аъзолари яна 145 тонна ширин-шарбат мевалар териб беришмоқчи. Ҳўжаликнинг ҳўсилга кирган боғлари 140 гектарни ташкил этади. Уларда асосан олма, олхўри, шафтоли етиштирилади. Жамол Жўраев, Қаҳҳор Раҳматуллаев бошлиқ қилаётган бригада боғбонлари, айниқса, яхши натижаларга эришилди. Ҳўсилнинг 98 фоизи юқори навларга топширилди. Шаҳарликларни қиш мавсумида ҳам сарҳил мевалар билан таъминлаш мақсадида 250 тонна маҳсулот музхоналарга қўйилди.

Туроб Нормўхамедов номи жамоа ҳўжалиги (раиси Обидхўжа Султонов) ҳам сабзавот етиштириш режасини эъдаси билан адо этиб, 3200 тоннадан ортиқ маҳсулот топширди. Сабзавоткорларнинг катта хирмониға Маҳамат Нортеев, Абдушўкур Маждидов, Абдува-ли Толипов бошчилик қилаётган бригада жамоалари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Соат ФИЁСОВ.

Қарор ва ижро

масканида асосан маҳаллий мутахассислар ҳўзимат қилишади. Бундан ташқари мана шу йилнинг ўзида 5,5 километр узунликда газ тортилди. Уни йилнинг учинчи чорағи мобайнида яна уч километрга ўзайтириш режалаштирилган. Ичимлик суви қўвурлари ҳам уч километр масофага тортилди. Қўсқаси, шу йилнинг ўзида газ ва суви билан ҳамма юз фоиз таъминланади. Жамоа ҳўдудида 140 ўричли болалар боғчаси ишлаб турипти. Яна туманга қарашли 2 та боғча ҳам мавжуд. Кичинтойлиқ малакали мўраббийлар қўли остида тарбияланмоқдалар Оқунбобоевликлар бу йилги қўрилишлар поёнига етказилган, замонавий, шаҳар нусха-сидаги мактаб биноси қўрилиши бошланди. Уни ҳам келгуси йили битказиб ташлаймиз, дейишмоқда жамоадагилар.

Искандар билан суҳбатимизда у устоз Зоир ака Жалиловни меҳр билан аслади. Дарҳақиқат, марҳум Зоир ақанин ҳўжаликнинг обод бўлишида ҳизматлари кўп. Ешлар тарбияси, малакали кадрлар тайёрлаш, эҳ-ҳе, барчасини санаб сананга етиб қўйди. Ҳорийқий ўқуналар билан ҳижозланган новобойнамаизни ҳам тез қўларда очини мўлжаллаб туришмиз. 14 минг ақоли истижомат қилайдиган ҳўжалигимизнинг ер майдони кейинги пайтларда анча кичрайиб қолди. Ниятишимиз, кўп минг сонли ақолини турли касб-

ТўРСУНБЎЙ Темиров Чиноз туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигининг илгор бригадасида раҳбарлик қилапти. 57 гектар майдондаги гўзалар сифатли ишлов берилаётгани, ўғити ва сувидан вақтида боҳабар бўлиб турилгани сабабли мўл ҳосил тўгмоқда.

Халқимиз «Асад-экинни ясаб», деб бекорга айтмаган, — дейди Турсунбой Темиров. — Ҳозир айни иш-

Омон НУРУШЕВ.

